

ЗООФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

Зарина Ширназарова

Термиз давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада зоофразеологизмларнинг семантик хусусиятлари ва лингвомаданий тадқиқи тавсифланган. Шунингдек, лингвомаданий тадқиқда шу маданият вакиллариининг ҳаёти тарзи, тасавурларини ўрганиш, зоофразеологизмларнинг миллий-маданий семантикасини очиш масалалари қаламга олинган.

Калит сўзлар: зоофразеологизм, семантик хусусият, лингвомаданий, тасаввур, миллий-маданий семантика.

ABSTRACT

This article describes the semantic features and linguocultural study of zoophraseology. Linguocultural research also addresses the issues of lifestyle, imagination of the representatives of this culture, the discovery of national-cultural semantics of zoophraseology.

Keywords: zoophraseology, semantic feature, linguocultural, imaginative, national-cultural semantics.

КИРИШ

Жаҳон тилшунослигида тил элементларининг трансформацияланиши натижасида лексик маънони грамматик маънога трансформация қилиш(кўчириш) асосида грамматикализация ҳодисаси, бирикма маъносининг сўз маъносига трансформацияси асосида лексикализация ҳодисаси юзага келиши эътироф этилади. Шунингдек, сўз бирикмаси ва фразеологик бирликларнинг таркибий ва маъновий трансформацияси асосида фразеологизация ҳодисаси юзага келади.

Зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг таркибидаги сўзлар ўртасида гипонимик ҳамда бошқа семантик алоқалар мавжуд. Масалан, улар таркибидаги отларнинг жинсидаги фарқлар ҳам бутун бошли зоонимик компонентли фразеологик бирликнинг маъносига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Жинс-тур

муносабати сўз бирикмаси ёрдамида ифодаланса, тур номини ифодалаб келган номинатив бирликлар нутқнинг маҳсули бўлиб, улар тил қурилишида мустақил ўринга эгадир. Улар тилнинг лексик-семантик тизимида жинс белгисининг номини, ҳамда тур белгисининг номини ифодалаб келади, яъни номинатив вазифа бажаради[1].

Таъкидлаш жоизки, тилдаги ҳар бир сўз бирикмаси шу тилдаги мустақил луғавий бирликларнинг умумий миқдори ҳам келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзу қаторидан мустақил луғавий бирлик ва сўз бирикмаси номинатив бирлик сифатида ўз ўрнини эгаллайди. Тилнинг лексик-семантик тизимида у ёки бу денотат номининг алоҳида луғавий бирликлар ёрдамида ифодаланиши шу халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, қишлоқ хўжалиги, урф-одати психологиясида қандай аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик даврида тилимизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати» [2]., М.Содиқованинг «Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати», Маҳмуд Сатторнинг «Ўзбекнинг гапи қизик» [3], Б.Йўлдошев, К.Бозорбоевнинг «Ўзбек тилининг фразеологик луғати», Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедовларнинг «Маънолар маҳзани», Ш.Шомақсудов, С.Долимовларнинг «Қайроқи сўзлар», Н.Маҳмудов, Д.Худойберганаоваларнинг «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати», Н.Маҳмудов, Ё.Одиловларнинг «Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати» [4] сингари лексикографик асарлари шулар жумласидандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ш.Алмаматова ўзбек тилидаги фраземаларни компонент таҳлил қилиш муаммоларига доир номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бу ишнинг дастлабки боби ўзбек тилидаги от компонентли фраземаларнинг семантик таҳлили масалаларини ёритишга бағишланган. Тадқиқотчи шахс компонентли фраземалар (кўнгли жойига тушди, жонини фидо қилмоқ, димоғи чоғ бўлди, эси жойига тушди каби), зоонимик компонентли фраземалар (ит кунини бошига солган, отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди, млондай аврамоқ, илон қимирласа билмоқ, бузоқнинг югургани сомонхонагача каби), соматик компонентли фраземалар

(қўлиданкелмоқ, қўлини кўтармоқ, кўз олайтирмоқ, кўзига иссиқ кўринмоқ, оёғини тираб туриб олмоқ, оёғини тортмоқ каби)нинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида семантик жиҳатдан таҳлил қилишга интилган [5].

Фразеологизмлар орқали турли ҳайвон номларини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ўрганилиши нафақат фразеологизмлар ясалишидаги тизимли муносабатларни аниқлаб беради, балки дунёқарашнинг ўзига хослигини умумийлик ҳамда миллий фарқларни очиб беради.

Тилнинг бирор нарса ҳақида маълумот бериши унинг коммуникатив вазифаси билан чамбарчас боғлиқдир. Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар нуткни ранг-баранг қилишда, унинг экспрессивлигини оширишда катта хизмат қилади. Зоонимик компонентли фразеологик бирликлар нуткда қўлланганда улар томонидан ифода этилаётган маъно умумий маънонинг оддий семаси бўлмайди. Масалан: a tame cat - фразеологик бирлиги томонидан ифодаланаётган референциал маъно “уй кизи” тушунчасини билиш учун бизга бу ибора ишлатилган контекстни, ҳар иккала компонентнинг семантик структурасини билишимиз камлик қилади. Бу ерда шу тилда сўзлашувчи одамлар онг оқими, фикрлаш стандартлари ва дунёни, борликни тил унсурлари ёрдамида ифода этиш хусусиятларидан хабардор бўлишимиз керак, чунки ФБларнинг лексик-семантик таҳлили бизга кўп нарса бера олмайди. Ҳар бир тил ҳодисасининг табиатини тушуниш учун унда сўзлашувчиларнинг борликни билиш ва уни ўз онгида «пишириб» тингловчига узатиши қандай бўлишини ўрганиш лозим. Бу ўринда "tame cat" ва "уй кизи" ибораларини яқинлаштирувчи нарса зоонимик компонентли фразеологик бирликлар билан номланган шахс характеридаги асосий белгидир, яъни ундан "катта бир ўзгаришни бошидан кечирган, ўзи учун нотабиий бўлган шароитга кўнишга мажбур бўлган шахс", маъноси англашилиб, бу ерда у асосан эркак жинсига мансуб шахсларга нисбатан ишлатилади.

Инглиз тилида айиқ номи остида ўз аксини топган иборалар кўп, ўзбек маданиятида айиқ тарбиясиз, кўпол одамга нисбатан кўчма маънода қўлланса инглизлар уни қуйидаги ибораларда яхши сифатлар билан изоҳлайди.

От номи билан боғлиқ иборалар нафақат бизни тилда балки рус тилида ҳам алоҳида аҳамиятга “ега в дождевой день не покупай лошадь” айни муқобили ибора даражасига етмаган бўлсада айтишади, ёмғирда от сотиб олиб бўлмайди[6].

Инглиз ва ўзбек тилларда «ит» ва «қуш» зооними иштирок этадиган фразеологизмлар шунчалик кўпки, улар

луғатларнинг 2-3 бетини ташкил этади. Бу бежиз бўлмаса керак. Умуман, инглизлар ва ўзбеклар ит ва қушларни яхши парвариш қиладилар ва уларга озор бермайдилар. Табиийки, ит ва қушларга хос ижобий ва салбий хислатлар инсонга, унинг турмуши, одоб-ахлоқи ва ҳолатига тил ёрдамида кўчирилади, ўхшатилади ёки метафоризация қилинади, Бу ФБлар анча кучли образли булгани учун инсон ҳиссиётига катта таъсир қилади ва унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу хусусият масалага когнитив аспектда ёндашиш натижасидир. Инсон онгида сақланиб қолган ибора мулоқот жараёнида яна бошқа маъноларига, синоним ва антонимларга эга бўлиб қолади. Когнитив жиҳатдан ахборот эса сақланиши учун унинг фреймини, яъни у ни тушуниб ҳис қилиш ва нутқда қўллаш жиҳатларини яратиш зарур. Шундагина бу ахборот аввалги ва кейинги ахборотларга боғлиқ равишда қаралиб, унинг структураси ва жараёни ҳақида етарли маълумотга эга бўлинади.

Лингвوماданий аҳамият шу маданият вакилларининг ҳаёти тарзи тасаввурларини ўрганиш зоофразеологизмларнинг миллий-маданий семантикасини очишни унда акланган миллий аксиологик нигоҳ - ташқи дунёни билиш ва унга муносабати жараёнида акс этади.

Тилдаги зоофразеологизмлар тадқиқ этган тилшуносларнинг аксарияти идиомаларга яқин туришини ёки идиома мақомида деб таъкидлашади, аммо бу фикр асос сифатида баҳоланишига мен мутлақо қаршиман, чунки идиома кенг имкониятга эга маълум вазиятга баҳо сифатида берилади холос.

Идиомага этимологик ва тарихий маълумот талаб этилади. Ўхшатишларни еса ҳар бир киши мустақил юзага келтириши ҳам мумкин. Немислардаги қуйидаги идиомалар мисолида.

Kaufen Sie die Katze im Sack

(мушукни қоп ичида сотиб олмоқ)

Das schwarze Schuf sein

(қора қўй бўлиш) [7]

Семантикасини келтириб чиқариш учун немис ўлкаларида қора қўй кўп ҳам учрамаслигини билиш керак. Ўзбек тилида бу (сухбатдан четда қолмоқ) маъносини билдиради. Бунда ўзига ўхшамаган кишиларни даврасига қўшмаслик маъноси ҳам ётади. .

Семантик жиҳатдан ҳайвонларга йўналтирилган, аммо метафорик тарзда инсонни назарда тутувчи бундай ўхшатишларни матнда кўплаб келтиришим мумкин.

Ўзбек тилида ёки муайян тилда энг кўп ифодаланувчилар - қомат, юз, умумий таассурот, соч ва кўзлардир. Умумий таассурот ифодаловчи еталонда кўплаб ҳайвонлар флора ва фауналар мифологик образлар келтирилиши муммин. Этник жиҳатдан аёл кишини юришини турли маданият вакиллари турлича баҳолайди. Инглиз маданиятида аёллардаги оҳиста ҳаракат орқали (sat like) мушук юриш, немис маданиятида бу Pferd (от) виқорли, ҳинд маданиятида эса, бу фил орқали тамсилланади. Туркий этносада “кийик оҳу” тарзида исжлатилади.

ХУЛОСА

Англиянинг биографик жиҳатдан қулайлиги ҳайвонлар, балиқлар, қушлар, ҳашоротлар, ўсимликлар, дарахтлар, ҳарсанг тошлар ва бошқаларнинг номларини ифодаловчи жуда кўп сузларни яратишга имкон берган.

REFERENCES

1. Алиева Г.Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц, характеризующих внешность человека в английском и турецком языках: Дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 1999. - 169 с.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. - Тошкент: “Университет”, 1992. – Б. 125.
3. Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структуралсемантик таҳлили. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 4-20.
4. Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. - Тошкент: 1999, 9-бет.
5. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – Л.: ЛГУ, 1961. - 207 с.
6. Икрамов Т.Т. Фразеологические единицы с фиксированным глагольным компонентом в императиве в современном английском языке. – авт. Дисс. Канд. филол. наук. М., 1978. -22 с.
7. Муминов А.М. О фразеологической продуктивности слов в современном английском языке. // Иностранные языки в вузах Узбекистана. Научные труды. № 587, 1979.-с.91.